

- миллетлераралық байланыста әдеп-иқрамлылық қағыйдаларын билиў;
- адамды миллий стереотиптен тысқары бағалаў қәбилетине ийе болыў;

-миллетлераралық байланыс тиллеринен пайдаланыў ушын билим хәм көнликпелерге ийе болыў.

Миллетлераралық байланыс мәдениатын раўажландырыў, ҳазирги ўақытта, мәмлекетимиздиң бүгинги күндеги жағдайын хәм келешегин белгилейтуғын ең әҳмийетли машқалалардың бири.

Хәр бир миллет өзине тән тәкирарланбас мәдениатқа хәм бай тарийхқа ийе болып, өзине тән менталитет тасыўшысы болып есапланады. Өзге халықлардың мәдениаты, жәмийеттеги миллий стереотиплери хаққындағы билимлердиң кемлиги инсанлар арасындағы айрықша жағдайлардың келип шығыўына себеп болады.

«Миллетлераралық байланыс мәдениаты» -бул хәр қыйлы этникалық жәмәет ўәкиллериниң миллетлераралық байланыслары хәм өз ара тәсиринде көзге түсе-

Әдебиятлар

1. Хасанов Н.Н. Миллетлерара байланыс мәдениаты хаққында. // Жәмийетлик-сиясый журнал. 1997. № 3. 232–237-б.
2. Крысько В.Г. Этническая психология: учебное пособие для студентов высших учеб. заведений, обучающихся по специальности 031000 – Педагогика и психология. 4-е изд., стер. -М.: Академия, 2008. –С.313.
3. Хайруллин Р.З. Формирование культуры межнационального общения и толерантности в молодежной среде. // Мир психологии. 2009. №3. -С. 85–93.
4. Интернет сайт: https://www.ncfu.ru/export/uploads/imported-from-dle/op/doclinks2017/Metod_kultu_ra_mezh_nac_obshchenia_220301_2017.pdf.

РЕЗЮМЕ

Мақолада миллатлараро мулоқотнинг шакллари, тузилиши, мазмуни, жамоат ва шахсий алоқалар, турли миллат вакиллари-нинг ўзаро муносабатлари, ҳам моддий, ҳам маънавий кадрларнинг алмашиши, уларнинг ижтимоий фаолият жараёнида ва кундалик ҳаётидаги қарашлари, ҳиссиётлари кўриб чиқилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются формы, структура, содержание межнационального общения которые представляют собой общественные и личные контакты, взаимосвязи людей разных национальностей, обменивающихся как материальными и духовными ценностями, так и взглядами, чувствами, эмоциями в процессе их общественной деятельности и повседневной жизни.

SUMMARY

The article deals with the forms, content, structure of interethnic communication, which represents social and personal relations of various nations, more over it exchanges both material and spiritual heritages, and also with views, feelings, emotions in the process of social and every day life activities.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАРБИЯ ИШЛАРИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

А.А.Бекимбетова – педагогика фанлари номзоди, доцент

Р.А.Ибраимова - магистрант

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: педагогик технология, таълим, технологик йўналиш, усуллар, психологик тарбия.

Ключевые слова: педагогическая технология, образование, «технологическое» направление, методы, психологическое воспитание.

Key words: Pedagogical technologies, education, «technological» specialty, approaches, psychological education.

Бугунги кунда мактабгача таълим тизимидаги модернизация жараёни ушбу соҳада илғор технологияларни самарали қўлаш, тарбиячиларнинг инновацияларни чуқурроқ ўрганишини талаб қилмоқда. Бу муаммоларни ҳал этиш учун таълим ва тарбияни технологиялаштириш, технологик ёндашувни ўзимизга мос ҳолда қайта ишлаб чиқиш зарурлиги, ҳозирги кунгача шаклланиб келган таълим-тарбия соҳасидаги назарий ва амалий тажрибаларни мукамал ўрганишни тақозо этади.

Педагогик технологиянинг таълимдаги амалий ҳамда ташкилий-услубий имкониятларини амалга оширишга йўналтирилганлиги, унинг аниқ воситалар ёрдамида ҳаётга татбиқ этилиши бутун жаҳон педагогларининг унга эътиборини кучайтирмоқда. Бу йўналишга турлича қарашлар мавжуд бўлиб, баъзи педагоглар педагогик технологияда таълимни табақалаштириш воситасини кўрмоқдалар, бошқалари ундан кам меҳнат сарфлаб юқори натижаларга эришиш имкониятлари, педагогик технологияда барча таълим олувчиларни олдиндан белгиланган билим, қўникма ва малакалар даражасига етказиш мумкинлиги

қизиқтирмоқда. Таълимни "технологик" йўналишда қўришнинг умумий мезони унинг аниқ ва батафсил белгиланган мақсадга йўналтирилганлигидадир. Бу ҳолатда ҳар бир мақсадни амалга ошириш учун алоҳида қонуният, жараён, кетма-кетлик ва унга мос амаллар мажмуи мавжуд бўлиши асос сифатида олинади. "Педагогик технология" нинг воситавий йўналтирилганлиги унинг турли услублар асосида турли таълим тизимларини қўришдаги кенг имкониятларини белгилаб беради. Бунда таълимнинг ташкилий жиҳатлари олинади. "Педагогик технология" - таълим ва тарбиявий ишларнинг мақсадига мувофиқ тарзда сифатнинг самарадор бўлишига олдиндан кафолат бера олади.

Мактабгача тарбия муассасаларида тарбиявий ишларни амалга оширишнинг педагогик технологияси лойихалаштириш, амалга ошириш, назорат ва таҳлил қилиш каби ҳаракат кетма-кетлигидан иборат. Бунда асосан педагогик мақсадни туғри белгилаш муҳим ҳисобланади, бунда тарбиячи ва тарбияланувчи нимага эришишлари керак? деган саволга жавоб олиш зарур. Шунингдек, педагогик маҳорат (аниқ ишларни

утказиш, тарбиявий жараёни ташкил этиш, болаларни кизиштириш, ижодий ишлаши учун турли метод ва техникалардан фойдаланиш), натижаларни назорат ва таҳлил қилиш, умумлаштириш (болалар нималарни ўргандилар?) жараёнларини туғри ташкил этиш зарур. Демак, тарбиявий ишлар технологияси – мактабгача таълим ташкилотлари шароитида қўйилган мақсадларни амалга оширишда ҳар бир аниқ тарбиявий ишни утказиш ва таҳлил қилиш учун қўлланиладиган услуб ва шакллар йиғиндисидан иборат. Тарбия жараёни тарбиявий ишнинг аниқ мазмуни ва шакли арқали амалга оширилади. Тарбиявий ишнинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги – уларни тайёрлаш ва утказиш, тарбиячиларнинг укувчилар билан жамоавий фаолиятни ташкил қилиш тарбиявий ишлар технологияси тизимига боғлиқ бўлади. Демак, тарбиявий технологиялар – бу конструкция қилиш, мазмунни амалга ошириш, услуб, шакл, усул ва воситаларни, таъсир этиш йўллари аниқлаштиришнинг методологик, ташкилий-услубий кўрсатмалар, қонун-қоидалар мажмуи ҳисобланади. Тарбиявий ишлар одатда жамоавий ва ижодий ишлар сифатида, иш ва уйин, ижод ва ҳамкорлик, ҳаётий умид ва хурсандлик билан тулдирилган тарбия жараёни ташкил этилади. Тарбиявий ишлар фаол ва мажмуавий ёндашувлар арқали амалга оширилади. Фаолиятга оид ёндашувда тарбия йўналиши белгиланади, мажмуавий ёндашув унинг мазмунини белгилайди.

Мактабгача таълим ташкилотларида ўқув тарбия жараёнининг ҳар қандай қисми унинг лойиҳаланишига технологик жиҳатдан ёндашилганда педагогик технологиянинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқадиган унинг методикасига қўйиладиган талаблар, принциплар мавжуд. Педагогик технологиянинг принциплари:

- педагогик жараёни лойиҳалашда педагогик тизимнинг оптималлиги, мақбуллиги;
- таълим-тарбия натижасининг кафолатлиги;
- педагогик жараёнинг бир бутунлиги ва таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- ўқитувчи ва ўқувчи фаоллигининг уйғунлиги, тарбияланувчи фаолиятини ташкил қилиш;
- инсон ва техника ресурслари, оптимал воситаларни қўллаш;
- педагогик жараёни моделлаштириш кабилар.

Болаларнинг фаолиятини, борлиқни билиш йўллари белгиловчи кўргазмали, амалий ва сўзли методлар қўлланилади. Мактабгача таълимда қўлланиладиган этиладиган кўргазмали методлар гуруҳига қуйидагилар: кузатиш, расмларни томоша қилиш, кинофильм ва диафильмларни намойиш қилиш, шунингдек, айрим ҳолларда мустақил методлари вазифасини бажарадиган баъзи усуллари: вазифа-намунаси, ҳаракат усулини кўрсатиш ва бошқалар кирди.

Ўргатиш методлари - педагогикада қабул қилинган таърифга кўра қўйилган масалани ечиш учун танланган ягона йўл сифатида таърифланади. У машғулотида боланинг ва тарбиячининг бутун фаолиятини ўргатиш усуллари - айрим ёрдамчи восита бўлиб, машғулотидаги фаолиятнинг хусусиятини аниқламайди.

Адабиётлар

1. Азизхужаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. –Т.: 2003.
2. Ишмухаммедов Р. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. –Тошкент: 2017. 368-б.
3. Bugatov V.M. Pedagogicheskie tainstva didakticheskix igr. Ucheb.-metodicheskoe posobie. 2-e izd. – М.: «Flinta», 2003.
4. Бекимбетова А.А. Тарбия ҳам оны технологияластырыў.(Оқыў-методикалык колланба). –Ташкент: 2019. 50-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мактабгача таълим тизимида тарбия ишлари, педагогик технологиялар, тарбиячи маҳорати, психологик ёндашув ва методлар кўрсатилиб ўтилган. Мактабгача таълим ташкилотларида болаларни тарбиялаш мақсадида бир қатор методлар келтирилган. Тарбия жараёнини туғри ташкил этишда технологик ёндашувнинг педагогик асослари ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны воспитательная работа, педагогические технологии, педагогическое мастерство, психологические подхо-

ды и методы в системе дошкольного образования. Также говорят об их психологическом воспитании и о том, как мы можем применить эти методы.

SUMMARY

The article describes educational work, pedagogical technologies, pedagogical skills, psychological approaches and methods in the system of preschool education. They also talk about their psychological upbringing and their applying methods.

ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВ СИМУЛЯТОРЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

А.К.Бижанов - ассистент ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: педагогик дастурий таъминот, ахборот-таълим ресурслари, компьютер технологиялари, симуляторлар.

Ключевые слова: обеспечение педагогической программы, информационно-образовательные ресурсы, компьютерные технологии, симуляторы.

Key words: pedagogical program support, information-educational resources, computer technologies, simulators.

Кириш. Таълим тизимидаги фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар тез суръатларда ривожланаётган ахборот технологиялари ва замонавий компьютерлар билан бирга интернет тизимидан ўқув жараёнида фойдаланишни билиши жуда ҳам катта аҳамиятга эга. Буни муваффақият билан амалга оширишнинг муҳим омилларидан бири таълим муассасаларида ўқитиладиган ўқув предметлари бўйича дастурий таъминотларни, яъни симуляторларни яратишдир.

Таълимни компьютерлаштириш муаммоси педагогика фанида тахминан ярим аср олдин пайдо бўлган замонавий йўналиш ҳисобланади. Унга бағишланган адабиётлар йилдан йилга жадал суръатлар билан кўпайиб бормоқда. Францияда 1987 йилда информатика бўйича янги миллий режа қабул қилинган ва режанинг асосий йўналиши юқори сифатли педагогик дастурий таъминотларни яратиш, бу муаммони илмий ҳал қилишнинг янги имкониятларини излаб топишдан иборат деб белгиланган. Шу жумладан, АҚШ, Англия, Германия, Япония, Канада, Австралия, Жанубий Корея, Россияда шу йўналишдаги психологик, педагогик, дидактик, услубий, техник ва технологик изланишлар кенг қўламда олиб борилмоқда [1].

Олий таълимнинг электрэнергетика йўналишларида ўқитиладиган мутахассислик фанларнинг электрон таълим муҳитини ташкил этадиган замонавий таълим манбаларини яратиш ва ундан фойдаланиш долзарб масалаларидан биридир.

Бугунги кунда электрон ахборот-таълим ресурсларини амалий дастурий воситалар ёрдамида тайёрлаш ва ундан ўқитиш жараёнида самарали фойдаланиш ҳар бир ўқитувчи учун муҳим вазифа ҳисобланади.

Олий таълим тизимида ўқитиладиган ўқув материалларини замонавий дастурий воситалар ёрдамида тайёрлаш ва ундан фойдаланиб ўқитишни ташкил этиш талабаларнинг имкониятларини кенгайтиради [2].

Замонавий педагогик дастурий воситаларга қатор илмий тадқиқотчилар томонидан таърифлар берилган. Жумладан, педагогик дастурий восита – бу муайян фан соҳаси ёки мавзунини ўқитиш технологиясидан фойдаланиб, фаолиятни ҳар хилда амалга оширишда шарт-шароит яратиш берадиган дастурий воситадир [3].

Педагогик дастурий воситалар – компьютер технологиялари ёрдамида ўқув жараёнига қўйилган максадга эришиш учун қисман ёки тўлиқ автоматлаштиришга мўлжалланган дидактик восита ҳисобланади [4].

Педагогик дастурий воситалар таркибига ўқув фани бўйича аниқ дидактик максادلарга эришишга йўналтирилган дастурий маҳсулот яни симуляторни ишлаб чиқиш учун махсус дастурлар комплекси, техник ва методик таъминот, қўшимча ва ёрдамчи воситалар киради.

Таҳлил ва натижалар. Ўқув жараёнида ўқув симуляторларини қўллашнинг самардорлигини оширишнинг яна бир тури бу намоёниш этувчи дастурлар ҳисобланади. Намоёниш этувчи дастурлар – ўқув материалларини кўргазмалар тақдим этиш учун ҳамда ўрганилаётган

конуниятларни, объектларнинг ўзаро алоқасини виртуаллаштириш ва визуаллаштириш учун мўлжалланган. Визуаллаштириш – бу тасаввурлар тасвирларини кўринарли ҳолатда яратишдир, Виртуаллаштириш эса (лотинча virtualis-эҳтимол) – аниқ мавжуд бўлмаган маълум бир шароитларда содир бўлиши мумкинлиги ҳисобга олинган объектнинг кўринишини компьютерли ифодалаш бўлиб, бунда шу объектнинг барча қирралари ҳисобга олинади [5]. Ўқитишнинг самардорлигини ошириш, ўрганилган материалларни такрорлаш ва мустақамлаш орқали малака ва кўникмалар шакллантириш учун мўлжалланган дастурлар булар тренажёрлар ҳисобланади. «Тренажёр» сўзи XX асрнинг охирида пайдо бўлган неологизм (грекчадан, янги сўз), маданият таракқиётининг бошланғич босқичида қўлланила бошланган тушунчанинг ўзида инсонни ўқитиш ва унда муайян кўникмаларни яратиш учун қурилма маъносини беради. Бу жараён «мен каби бажар» принципи бўйича амалга оширилади [4].

Электрон таълим муҳитини ҳосил қилувчи электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш қўйидаги босқичлардан ташкил топади [6]:

- бошлаш жараёни;
- мақсадни аниқлаш;
- мундарижа тузиш, режалаштириш;
- дастурий маҳсулотни тайёрлаш;
- тайёрланган дастурий маҳсулотдан фойдаланиш ва самардорликни аниқлаш.

Олий таълим электрэнергетика йўналишлари учун мутахассислик фанидан тайёрланган методик таъминотни, яъни симуляторни амалий ва лаборатория машғулотларининг самардорлигини бир неча кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилиш мумкин. Олиб борилган изланишлар самардорлиги қўйидагича:

1. Талабаларнинг берилган топшириқларни бажаришига кўра;
2. Талабаларнинг берилган топшириқларни бажаришини ўрганганлиги;
3. Талабаларнинг берилган топшириқларни бажара олиш тезлиги каби мезонлар асосида ўрганилди.

Хулоса ва таклифлар. Таълимда самардорликка эришганлик таълим сифати кўринишида намоён бўлади. Таълим сифати – таълим жараёни ва натижасининг, таълим қандай бўлиши, у қандай максادلарга хизмат қилиши ҳақидаги жамиятга тарқалган тасаввурга унинг мос келиш даражасини ифодаловчи интеграл тавсифдир [7].

Олий таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан таълим оладиган талабалар машғулоти самарали ўзлаштириб, мустақил ишлаш ва ижодий фаолият босқичига ўтганларида, ўқитувчининг берган янги ахборотлари билан чегараланмай, ўзлари бўш вақтларида мустақил равишда симуляторлардан фойдаланиб билимларини ошириб борадилар. Бу эса, уларнинг машғулоти жараёнида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни тезгина, хатосиз бажаришларида намоён бўлишини кўришимиз мумкин.

Адабиётлар

1. Мўминов Б.Б. Информатикадан амалий ва лаборатория машғулотлари учун педагогик дастурий таъминот